

## XII. МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ

Бирламчи маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 март ҳолатига вилоятда жами фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг молиявий натижаларига асосан уларнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси (зарари) 52 749,3 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,4 % га (40 776,9 млн.сўм) кўпайган.

Умумий ҳажмга нисбатан олинган фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг асосий қисми, яъни 62,1 % Чуст туманига (32 782,3 млн.сўм), 28,8 % Наманган шаҳрига (15 176,6 млн.сўм), 3,2 % Тўрақўрғон туманига (1664,2 млн.сўм), 2,3 % Поп туманига (1 236,7 млн.сўм) тўғри келди.

Фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг соҳалар кесимида таҳлил қилинганда асосан, улгуржи ва чакана савдо 24 136,9 млн. сўмни, ишлаб чиқариладиган саноатда 17 996,3 млн. сўмни, ташиш ва сақлаш 5 256,0 млн.сўмни ва бошқа соҳалар ташкил этди.

2020 йилнинг 1 март ҳолатига вилоят бўйича 7 та корхона фаолиятини зарар билан яқунлади. Шу жумладан, 3 та корхона Наманган шаҳрида жойлашган бўлиб, Наманган, Поп, Чортоқ ва Чуст туманларида 1 тадан корхоналардир. 2019 йил 1 март ҳолатига вилоят бўйича 5 тани ташкил этган.

Зарар кўриб фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосан кимё маҳсулотлари соҳасига тегишли бўлиб, ушбу соҳа томонидан 212,5 млн. сўм зарар кўрилиб 2020 йил 1 март ҳолатига ушбу соҳа томонидан фойда кўрилмаган.

2020 йилнинг 1 март ҳолатига корхона ва ташкилотлар бўйича дебитор қарздорлик 1 141 911,2 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 328 710,5 млн сўмга ортган, йил бошига нисбатан эса 26 959,9 млн. сўмга камайган, муддати ўтган дебитор қарздорлик эса, 3 766,8 млн.сўм бўлиб, жами дебиторликнинг 0,3 % ни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 2 433 млн сўмга камайди.

2020 йилнинг 1 март ҳолатига кредитор қарздорлик 1 617 155,9 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 179 670,8 млн сўмга ортган ва йил бошига нисбатан 57 571,2 млн. сўмга камайган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик эса 3 826,2 млн. сўмни ташкил этиб, умумий кредитор қарздорликнинг 0,2 % ни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 247,0 млн сўмга камайди.

**Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг  
дебитор қарздорлиги (млн.сўмда)**

	<b>2019 йил 1 март ҳолатига</b>		<b>2020 йил 1 март ҳолатига</b>	
	<b>жами дебиторлик</b>	<b>муддати ўтгани</b>	<b>жами дебиторлик</b>	<b>муддати ўтгани</b>
<b>Вилоят жами</b>	<b>813 200,7</b>	<b>6817,6</b>	<b>1 141 911,2</b>	<b>3 766,8</b>
Наманган ш.	737 896,4	5862,2	950 511,6	3 100,9
Мингбулоқ	1 931,9	-	1 543,4	-
Косонсой	1 583,1	67,7	1 597,4	67,7
Наманган т.	5 109,6	-	6 775,5	-
Норин	2 651,6	1,6	1 989,7	1,6
Поп	28 202,4	485,5	36 735,1	186,6
Тўрақўрғон	7 148,8	75,7	97 806,1	85,1
Уйчи	2 531,7	11,5	4 035,1	11,5
Учқўрғон	22 429,6	313,4	17 705,8	313,4
Чортоқ	766,5	-	2 524,9	-
Чуст	2 949,2	-	20 686,4	-
Янгиқўрғон	-	-	-	-

2020 йилнинг 1 март ҳолатига мониторинг ўтказилган вазирликларда умумий дебитор қарздорлик ҳажми 703 954,4 млн. сўмни ташкил этиб, вилоят бўйича умумий дебитор қарздорликнинг 61,6 % га тўғри келди.

**Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг  
кредитор қарздорлиги (млн.сўмда)**

	<b>2019 йил 1 март ҳолатига</b>		<b>2020 йил 1 март ҳолатига</b>	
	<b>жами кредиторлик</b>	<b>муддати ўтгани</b>	<b>жами кредиторлик</b>	<b>муддати ўтгани</b>
<b>Вилоят жами</b>	<b>1 437 485,1</b>	<b>6 283,6</b>	<b>1 617 155,9</b>	<b>3 826,2</b>
Наманган ш.	1 076 879,1	1 545,6	1 216 373,6	-
Мингбулоқ	75 420,8	1 364,3	76 971,9	1 234,8
Косонсой	17 556,5	308,5	16 003,1	322,2
Наманган т.	6 873,8	-	7 917,8	-
Норин	40 243,7	439,4	43 360,9	419,7
Поп	67 080,4	332,0	53 746,0	178,8
Тўрақўрғон	65 234,2	526,8	109 987,4	509,0
Уйчи	29 651,3	140,5	29 138,9	90,1
Учқўрғон	37 283,6	1069,1	26 838,9	740,7
Чортоқ	777,2	-	10 486,4	-
Чуст	20 484,3	557,4	26 330,9	331,0
Янгиқўрғон	-	-	-	-

**2020 йил 1 март ҳолатига корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг молиявий натижалари**

	<b>Фойда, зарар (+,-)млн.сўм</b>	<b>Ўтган даврга нисбатан, %да</b>
<b>Вилоят жами</b>	<b>52 749,3</b>	<b>129,4</b>
Наманган ш.	15 176,6	95,9
Мингбулоқ	18,1	28,2
Косонсой	86,6	11,6
Наманган	830,3	2,2
Норин	310,9	145,1
Поп	1 236,7	182,4
Тўрақўрғон	1 664,2	90,8
Уйчи	195	136,6
Учқўрғон	390,3	35,5
Чортоқ	58,3	35,9
Чуст	32 782,3	160,9
Янгиқўрғон	-	-

**2020 йил 1 март ҳолатига зарар билан фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар**

	<i><b>Зарар билан ишлаётган корхоналар сони</b></i>	<i><b>Умумий корхоналар сонига нисбатан, %да</b></i>	<i><b>Зарар миқдори, млн.сўм</b></i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>7</b>	<b>8,1</b>	<b>880,3</b>
Наманган ш.	3	7,7	539,3
Мингбулоқ	-	-	-
Косонсой	-	-	-
Наманган	1	20,0	211,5
Норин	-	-	-
Поп	1	10,0	103,5
Тўрақўрғон	-	-	-
Уйчи	-	-	-
Учқўрғон	-	-	-
Чортоқ	1	33,3	23,4
Чуст	1	12,5	2,6
Янгиқўрғон	-	-	-

**Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг  
иш ҳаққидан қарздорлиги (млн.сўм)**

	<i>2019 йил 1 март ҳолати</i>		<i>2020 йил 1 март ҳолати</i>	
	<i>жами иш ҳаққидан қарздорлик</i>	<i>муддати ўтгани</i>	<i>жами иш ҳаққидан қарздорлик</i>	<i>муддати ўтгани</i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>22 093,2</b>	<b>759,6</b>	<b>29 735,4</b>	<b>-</b>
Наманган ш.	19 287,2	759,6	25 416,3	-
Мингбулоқ	144,8	-	15,1	-
Косонсой	-	-	50,6	-
Наманган т.	380,0	-	405,6	-
Норин	70,1	-	123,5	-
Поп	738,3	-	662,7	-
Тўрақўрғон	37,4	-	743,5	-
Уйчи	-	-	100,6	-
Учқўрғон	1 095,8	-	1 098,3	-
Чортоқ	213,0	-	136,1	-
Чуст	126,5	-	983,1	-
Янгиқўрғон	-	-	-	-